



Учинчи шахс аралашмаса,
оилалар тинч-тотув
яшайди

4-с.

Смартфон билан
банд бўлиш, бу —
нотўғри намуна

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№26
(2354)

2026 йил
28 МАРТ,
ШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА
МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИ:

МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР
ВА ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШНИНГ
ЯНГИ РЕНЕССАНСИ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий, балки қадриятлари муштарак ягона маданий макондир. Минтақа халқларини кўп минг йиллик қардошлик ва яхши қўшнилик ришталари боғлаб туради. Ўз навбатида, минтақа давлатларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг тамаддуни, ривожланиш босқичлари, бугуни ва келажаги ҳам ўзаро ҳамнафас.

БУГУНГИ
СОНДА:

Ҳар бир оилага
оддий ташриф
билан чекланиш
хато

Ижтимоий ходим фаолияти фақатгина хонадонларга оддий ташриф билан чекланиб қолмаслиги керак. Ҳар бир муҳтож оила, синовларни бошдан кечираётган кишига алоҳида ёндашув, инсоний меҳр ва профессионал хизмат кўрсатилгандагина халқ ишончи қозонилади. Тизимли ёндашув, инсонийлик ва фидойилик уйғунлашганда, энг оғир ҳаётий вазиятларни ҳам енгиб ўтиш мумкин.

6-с.

Молиявий
мустақиллик
— барқарор
ривожланиш
омили

Ислохотлар жараёнида, шубҳасиз, маҳалла тизимидаги энг катта янгилик, бу — унинг молиявий мустақиллиги таъминлангани бўлди. “Маҳалла бюджети” тизимининг жорий этилгани, ер ва мол-мулк солиқларининг маълум қисми худуднинг ўзида қолаётгани, ҳар бир йиғинда Маҳалланиннг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилгани, айниқса, эътиборлидир.

7-с.

Ҳалол меҳнат,
албатта,
қадрланади

Маҳаллага тушиб, ишларни манзилли ташкил этиш — давлат идоралари фаолиятининг мезонига айланди. Маҳалла фаоллари бу ислохотларга қанот бўляпти. Энди ҳар кимнинг ўз вазифаси бор. Табиийки, уни бажарилиши бўйича аниқ баҳолаш мезони яратилди. Мисол учун, профилактика инспекторининг иши — маҳалла жиноятчиликдан холи худудга айланиши билан боғлиқ.

8-с.



ТАШАБУС

МАҲАЛЛА
АҲЛИ БИЛИМ
ВА ТАФАККУР
БАҲСИДА
БЕЛЛАШАДИ



2

Марказий Осиё халқларини асрлар давомида бирлаштириб келган энг асосий тушунча, бу — “жамоа бўлиб яшаш” кўникмасидир. Ўзбекистондаги маҳалла, Қозоғистондаги овул кенгашлари, Қирғизистон ва Тожикистондаги оқсоқоллар судлари ҳамда Туркменистондаги генешлар — буларнинг барчаси негизда бир хил фалсафа ётади:

- **ҳамжиҳатлик ва ҳашар:** муаммоларни биргаликда ҳал этиш;
- **оқсоқоллар институти:** катталарга ҳурмат ва уларнинг тажрибасидан ижтимоий барқарорлик йўлида фойдаланиш;
- **тарбия маскани:** маҳалланиннг шахс камолотидаги беқиёс роли.

Шунингдек, қадриятлар муштараклиги оила институтини муҳофаза қилиш (барча минтақа давлатларида маҳаллий органлар оилавий ажралишларнинг олдини олиш ва ёшларни миллий руҳда тарбиялаш билан шуғулланади), ижтимоий адолат (“маҳаллабай” ишлаш тизими орқали кам таъминланган қатламни манзилли қўллаб-қувватлаш Марказий Осиёга хос бўлган саховат ва бағрикенглик қадриятининг амалий ифодасидир) тамойилларида ҳам ўз аксини топади.

Давоми 2-саҳифада.

ХИЗМАТ ЙЎҚ,
ТЎЛОВ БОР, БУ —
АДОЛАТ ДАНМИ?



3

Тақдирларда акс этган мужда меҳр ва масъулият юксаклигидан

Кечагина маҳалла деганда, фақат идора ва маълумотнома берадиган жойни тушунардик. Бугун маҳалла — инсон тақдири ҳал этиладиган, муаммолар эшик қоқиб бормасдан ечиладиган халқчил масканга айланди. Бу ўзгаришларнинг марказида эса янги тизим — “маҳалла еттилиги” турибди.


Илгари маҳалла раиси ҳамма ишга масъул, аммо имконияти чекланган эди. Бугун раис ёнида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, профилактика ва солиқ инспекторлари бирлашиб, ягона “кучли бўғин”ни ҳосил қилди. Бу шунчаки еттига лавозим эмас, балки маҳалладаги еттига “эшик”нинг очилишидир. Хўш, одамлар буни қандай ҳис қилмоқда?

Ўзгаришларни маҳалламиз мисолида олсак, деҳқончилик ва иссиқхоначиликка ихтисослашган худудда 5 481 нафар аҳоли истиқомат қилади. Сунги уч йил давомида маҳаллада имтиёзли кредитлар асосида 320 та иссиқхона барпо этилди. Асосан 3-4 сотих майдонда ташкил этилган иссиқхоналар аҳоли учун барқарор даромад манбаи бўлиб хизмат қилаётир. Бир йил давомида уларда 3-4 марта ҳосил олиш имконияти мавжуд бўлиб, бир иссиқхонадан ўртача 80-90 миллион сўмгача даромад олинмоқда.



Давоми 2-саҳифада.

МАҲАЛЛА ИСЛОХОТЛАР МАРКАЗИДА



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида **СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК** муносабатларини кенгайтириш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди.



Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон **10 ТА ҚЎШМА ЛОЙИХАНИ** ишга туширди.



Ўзбекистон ва Тожикистон давлат раҳбарлари иштирокида Тожикистоннинг Тошкент шаҳридаги **ЭЛЧИХОНАСИНИНГ АНГИ БИНОСИ** очилди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИ: Муштарак қадриятлар ва ўзини ўзи бошқаришнинг янги ренессанси



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Долли АЛЛАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси раиси ўринбосари.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ “ОЛТИН КЎПРИК”

Бугунги кунда минтақа давлатларида ўзини ўзи бошқариш органлари шунчаки ижтимоий тузилма эмас, балки давлат ва жамият ўртасидаги “олтин кўприк” вазифасини ўтамоқда. Минтақавий уйғунлик асосида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилипти. Бу давлат бошқарувини марказдан ҳудудларга кўчириш, яъни халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига имкон яратмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ: Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан маҳалла тизими бугун жамиятимизда кечяётган ислохотларнинг ҳал қилувчи бўлишига айланди. Маҳаллага қўшимча куч ва имкониятлар тақдим этилапти, ваколат ҳам, масъулият ҳам қўйи тизимга туширилмоқда. Ҳар қандай масала маҳалланing ўзида ҳал этилапти, ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш маҳалла даражасига кириб бори.

Камбағалликни қисқартириш, бандликка қўмақлашиш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалла катта куч сифатида майдонга чиқмоқда. Маҳалла ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммоси, дарду ташвишига чуқур кириб бора оладиган халқчил тузилма сифатида янада фаоллашди. Айниқса, “маҳалла еттилиги” тизимининг жорий этилиши ижтимоий масалаларни маҳалланing ўзида, бюрократиясиз ҳал қилиш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 8 992 та маҳалла мавжуд. Уларда фаолият юритаётган 55 мингдан ортиқ “еттилик” ходимлари ва жамоатчилик асосида 997 мингдан ортиқ фаоллар ўзаро ҳамкорликда тизимли ишлаши натижасида 2025 йилда:

- 2 090 та (23 фоиз) маҳалла ишизликдан, 1 435 таси (16 фоиз) камбағалликдан, 4 388 таси (49 фоиз) жиноятчиликдан, 1 670 таси (19 фоиз) оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантирилди;

• маҳаллага келиб тушган 4,8 миллиондан ортиқ аҳоли муаммо ва эҳтиёжларининг 89 фоизи маҳалланing ўзида ҳал этилди;

• Маҳалланing ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жағфармасига 505,8 миллиард сўм маблағ туширилиб, “еттилик”нинг коллегиал қарори асосида мақсадли ва манзилли сарфланди.

Маҳаллаларда “Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси раиси кубоги” учун “Заковат” интеллектуал ўйинларининг дастлабки босқичи бошланди.

Баҳром КУШБАКОВ, Тельман УРИНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси масъул ходимлари.

ҚОЗОҒИСТОН ТАЖРИБАСИ: қардош мамлакатда “Ошак” атамаси бор. У бугунги кунга қадар оиланинг бирлашуви, инсониятнинг узвийлиги рамзи сифатида хизмат қилган. Бу фикрни қозоқ халқ донишмандлиги “Отан отбасинан басталди, отбаси ошак қасинан” – “Ватан оиладан бошланади, оиланинг бирлиги оилавий ўчоқдан” деган нақл билан ифодалайди. Қолаверса, ўзини ўзи бошқариш тизимида “Ауилинай”, “Аулбасши”, “Қошебасши” атамалари ҳам борки, буларнинг барчаси тарихий илдизларига эга.

Қозоғистонда ўзини ўзи бошқариш иккита асосий бўғиндан иборат:

Маслиҳатлар — маҳаллий вакиллик органлари бўлиб, уларнинг аъзоларини аҳоли сайлайди. Улар бюджетни тасдиқлайди ва ижро этувчи ҳокимиятнинг назорат қилади;

Акимлар (қишлоқ ва овул даражасида) — улар илгари тайинланган бўлса, эндиликда бевосита сайланмоқда. Аким ҳам давлат бошқаруви вазифаларини, ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш функцияларини бажаради.

Қозоғистоннинг барча туман ва қишлоқ округларида мустақил бюджет тизими жорий этилган. Маҳаллий солиқлар (мол-мулк, транспорт, ер солиғи), жарималар ва ихтиёрий тўловлар бевосита қишлоқ бюджетига қолади. Маблағлар қаерга сарфланишини (масалан, йул ташмири ёки сув таъминоти) маҳаллий ҳамжамият вакилларининг ўзлари ҳал қилади.

МИНТАҚА ФАРОВОНЛИГИ ИЖТимоий ЖИПСЛИККА БОҒЛИК Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувариди тез-тез таъкидланганидек, минтақавий хавфсизлик ва фаровонлик бевосита ички ижтимоий жипсликка боғлиқ. Шу маънода маҳаллалар даражасидаги ҳамкорлик (масалан, чегара олди ҳудудларидаги маҳаллаларнинг “халқ дипломатияси”) давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Бу ҳақда сўз кетганда, 2025 йил 10-12 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий Осиёда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг биринчи форуми” юқори савияда ташкил этилгани, самарали ва мазмунли фикрларга бой ўтгани, амалий тақлифлар ўртага ташланиб, ўзаро тажриба алмашиш имкони яратилганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Форумда минтақавий ҳамкорликни тизимлаштириш мақсадида янги платформа — Марказий Осиё ўзини ўзи бошқариш органлари Кенгашини ташкил этишга келишиб олинди. Ушбу платформа доирасида ўзаро маълумотлар алмашинуви мувофиқлаштирилади, маҳаллий даражада қўшма инвестициявий лойиҳалар амалга оширилади, бошқарувда фуқаролар иштирокини кучайтириш бўйича тажриба алмашилади.

Умуман олганда, Марказий Осиёда ўзини ўзи бошқариш тизимининг ривожланиши, бу — минтақанинг ўзлигига қайтишидир. Давлатларнинг қадриятлари муштараклиги маҳаллалар даражасидаги тизимли ислохотлар билан бойитилмоқда. Бу эса минтақани нафақат иқтисодий, балки маънавий-ижтимоий жиҳатдан жипслашган, барқарор ва мустақил куч сифатида дунёга танитапти.

Бу жараёнларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимларининг ўзаро уйғунликда ривожланаётгани, умумий тарихий-маданий мерос ва замонавий минтақавий интеграция имкониятларидан самарали фойдаланилаётгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Барча бешта давлатда ҳам ижтимоий шериклик, яъни давлат функцияларини босқичма-босқич жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш тенденцияси мавжуд. Рақамлаштириш, маҳаллий бошқарувда “рақамли ҳукумат” ва электрон мурожаатлар тизимининг бир вақтда ривожланишига эътибор, маҳаллий кенгашларда аёллар ва ёшлар квотасини ошириш орқали ижтимоий тенгликни таъминлашга интилиш бор. Шубҳасиз, айни жараёнлар Марказий Осиёни нафақат сиёсий, балки пастандан юқорига йўналтирилган ижтимоий интеграция маконига айлантиради.

Тақдирларда акс этган мужда меҳр ва масъулият юксаклигидан



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Абдулло ЭРҒАШЕВ, Кармана туманидаги “Шибзон” маҳалласи раиси.

Маҳаллада ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида аниқ ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, Диёрбек Ҳамидовга автомобилларга хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиши учун 100 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳозирда у ойнага ўртача 7-8 миллион сўм даромад топтомоқда. Шунингдек, Сарвиноз Сувонова 60 миллион сўм кредит эвазига сартарошлик фаолиятини бошлаган.

Маҳаллада турли ёшдаги 2 500 нафарга яқин хотин-қизлар истикомат қилади. Уларнинг 1 500 нафари турли соҳаларда меҳнат қилса, 200 нафар қизлар таълим билан банд. Илгари маҳаллада оилавий ажралиш ҳолатлари кўп кузатиладди, бугунги кунда бундай ҳолатлар деярли барҳам топган. Бу жараёнда маҳаллада ташкил этилган “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси”, “Бувижонлар мактаби” аъзолари ҳамда маҳалла имоми билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар муҳим аҳамият касб этаётди.

Маҳаллада аҳолининг ижтимоий ҳимояси доимий эътиборда. Олиб борилган манзилли ишлар натижасида камбағал оилалар сони 88 тадан 43 тагача камайди. Ижтимоий реестрдан чиқарилган 26 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 18 та хонадонга даромад келтирувчи қуёш панеллари ўрнатилиб, уларнинг иқтисодий аҳоли яхшиланди. Шунингдек, оғир аҳволдаги оилаларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй таъмири учун йўқотган ва ётоқдаги касаллар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, зарур ёрдамлар кўрсатилди. Давлат таъминотидаги 18 та оилага 1 миллион сўмдан, 25 та камбағал оилага эса 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Кўриб турганингиздек, энди фуқаролар ўз муаммоси билан юқори идораларга сарсон бўлиб бормаяпти. “Еттилик”нинг ўзи ҳар бир хонадонга кириб бориб, кимнинг уйи таъмирталаб, кимга даволаниш учун ёрдам керак ёки кимнинг фарзанди шартнома пулини тўлаи олмаётгани — ҳаммасини жойида ҳал қилмоқда. Маҳалладаги обод кўчалар, янгиланган инфратузилма ва энг муҳими, одамларнинг юзидаги табассум — фаолиятимизнинг энг олий баҳосидир.

Шундай пайтларда “маҳалла еттилиги” шунчаки ишламаётгани, аксинча одамларнинг ишончини қозонишга интиляётгани, шунга лойиқ бўлишга ҳаракат қилаётганини англайман. Ҳар бир ҳал этилган муаммо ортида бир инсоннинг тақдирини, бир оиланинг қувончини турганини кайд этсақ, “маҳалла еттилиги”, бу — Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси, халқ розилигининг амалий кафолатига айлангани янада ойдинлашади.

ТАШАББУС

Маҳалла аҳли билим ва тафаккур баҳсида беллашади



Ўзбекистон маҳаллалар уюشمаси, Ёшлар ишлари агентлиги, “Нуроний” жағфармаси, “Заковат” интеллектуал клуби ҳамкорлигида ташкил этилган лойиҳа уч босқичда — маҳалла, ҳудудий — туман (шаҳар)лар кесимида, Республика босқичи — энг кучли жамоалар иштирокида ўтказилади.

Белгиланган тартибга кўра, ҳар бир маҳалладан битта жамоа қатнашади. Уларнинг таркибида барча фуқаролар — ёшлар, ўрта ёшдагилар, нуронийлар қатнашиши мумкин. Ҳудудий босқичларда дастлабки учта ўринни эгаллаган жамоалар республика босқичига йўлланма олади. Финал босқичида жами 42 та жамоа иштирок этади.

Маҳалла тизимида “Заковат” интеллектуал ўйинларининг ташкил этилиши аҳоли, айниқса, ёшлар ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Жумладан, лойиҳа “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида энг оммавий йўналишлардан бирига айланди, маҳаллалардаги иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва уларни рағбатлантириш тизимини яратди. Ҳар бир маҳаллада “Заковат” клубларининг ташкил этилиши аҳоли ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтирмоқда. Айтиш кераки, аслида, бу каби интеллектуал ўйинлар аҳолининг билим ва тафаккурини чарқлайди, ўйин иштирокчилардан кенг дунёқараш, манتيкий фикрлаш ва тезкор қарор қабул қилишни талаб этади. Жамоада ишлаш кўникмаси шаклланади, иштирокчилар бир мақсад йўлида бирлашиши, фикрларни тинглаши ва умумий ҳулуосага келишни ўрганади. Бўш вақт мазмунли ташкил этилади, аҳолини китобхонликка ва илганишга ундайди.

Дастлабки кунги маълумотларга кўра, 208 та туман (шаҳар)даги 2 963 та маҳаллада “Заковат” ўйинлари ўтказилиб, уларга 200 минг нафардан зиёд аҳоли жалб қилинди. Иштирокчиларнинг 56 минг 842 нафарини кекса авлод вакиллари, 89 минг 423 нафарини ёшлар ва 54 минг 476 нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Жорий йилнинг 1 апрелига қадар барча маҳаллаларда дастлабки босқич беллашувлари ўтказилиб, апрел ойида туман (шаҳар) босқичини ташкил этиш режалаштирилган.

“Заковат” интеллектуал ўйинларининг Республика босқичи ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланади:

- 1-ўрин — 100 миллион сўм;
- 2-ўрин — 50 миллион сўм;
- 3-ўрин — 30 миллион сўм.

Шунингдек, финал босқичига етиб келган ҳар бир жамоа алоҳида рағбатлантирилади.

Сирасини айтганда, “Заковат” интеллектуал ўйини шунчаки билимлар беллашуви эмас, балки маҳалла ёшларини ягона мақсад — билимли ва салоҳиятли бўлиш йўлида бирлаштирувчи қудратли кучдир. Бу ҳаракат ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш орқали мамлакатнинг эртанги тараққиётига хизмат қилади.



Ўзбекистонда 2030 йилгача тўлиқ фаолият юритувчи ИККИТА ИСЛОМИЙ БАНК очилиши маълум қилинди.



Жиззах вилоятида АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ қурилишининг бетон қуйиш босқичига ўтилди.



Маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағларидан фойдаланишга оид қарорлар 3 иш куни ичида РАСМИЙ САЙТГА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ МАЖБУРИЙ, этиб белгиланди.

2026 йил 28 МАРТ, ШАНБА

Mahalla №26

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!

Ишсиз одам, иссиқхонасиз хонадон қолмади

Киши қачон ҳаловат топади?! Қилаётган амалидан кўнгли тўлса, даромади рўзғорига етиб, фарзандлари келажаги учун сармоя тўплай олса, шунда ўзини хотиржам ҳис қилади. Буни яхши англаган маҳалламиз аҳолиси ана шундай бахтли инсонлардан.



Ўрол ХОЛИҚОВ, Қумқўрғон туманидаги “Уяс” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Биргина иссиқхоначилик оилаларга барака олиб кирмоқда. 300 дан ортиқ хонадонда Пулат Иброҳимов ташаббуси билан “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тасмийли асосида булғор қалампери етиштирилмоқда. Ендашувга кўра, ҳар бир хонадон эгаси 30 сотихли томорқадан 25 тонна ҳосил олиб, соф даромад 500 миллион сўмдан ортипти. Бу — “Уяс тажрибаси” сифатида туман, вилоят, республика-

да омалашмоқда. Маҳсулот ички бозордан ташқари, хорижга экспорт қилинади. Эйтиборлиси, харидорлар шу ернинг ўзидан олиб кетишади. Уста деҳқонларнинг таъкидлашича, ҳосилдорликнинг бош омили — ерни тўғри танлаш, тайёрлаш ва сугориш. Ҳар бир уяслик ўз иш услубига эга бўлиб, органик ўғитлар қўллаб, сугоришни қатъий жадвал асосида бажаради. Таҳлилларга кўра, 30 сотихли томорқа майдонини тайёрлаш учун 38 миллион сўм сарфланади. Маҳалла аҳолиси ихтисослашувни бир маҳсулот етиштириб, бошқаси таққиланиши, деб тушунамайди. Шу боис шароит ва иқлимга хос бошқа бизнес турлари ривожланмоқда.

Масалан, 10 йиллик тажрибага эга кўчатчи деҳқон Минглибой Ҳайитов томорқасидаги 10 сотихли иссиқхонада 1 миллион дондан зиёд гул ва полиз экинлари кўчатларини етиштириб, йилига 400 миллион сўм даромад олмақда.

МУЛОҲАЗА

Хизмат йўқ, тўлов бор, бу — адолатданми?

Янги Наманган туманидаги “Янги замин” маҳалласи фуқароси уйи олдида тўпланиб қолган чиқиндиларни хизмат кўрсатувчи ташкилот идорасига олиб келиб ташлагани акс этган видео тарқалди. Ҳолатга Наманган вилояти экология ва иқлим ўзгариши бошқармаси тезкорлик билан муносабат билдирди. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз.



Чиндан ҳам, бу борада айрим саволлар туғилди. Нега Экология ва иқлим ўзгариши бошқармаси хусусий хизмат кўрсатувчи корхона фойдасини кўзлаб, истеъмолчиларни айблади, нима учун асос сифатида фотолар тақдим этилди?

Аслида аниқ жавоб чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг вилоят бошқармасидан олинса тўғри бўларди. Чунки бу масъулиятни бериш тўғридан-тўғри уларнинг ваколатига қиради.

Вазиятга аниқлик киритиш мақсадида бошқарма бошлиғи Анвар Мамадалиевга юзландик. Мутахассис фикримизни тасдиқлаб, юқоридеги муносабат ҳақиқатга тўғри келмаслигини тан олди. Раҳбарнинг таъкидида, аслида “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, истеъмолчи хизмат кўрсатилмаган ёки тегишли сифатда бўлмаган хизматлар кўрсатилганда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларнинг қайта ҳисоб-китоб қилиниши билдирилиши керак эди. “Янги замин” маҳалласидаги муаммо ўрганилиб, қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ўрни келганда йрим мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз. Маҳалла, бу — аввало, одамлар муаммосини яқиндан билладиган тизим. Мурожаатни жойида ҳал этиш асосий талаб. Яъни, камчиликларни бир вақтнинг ўзида тезкор бар-тараф қилишда барча давлат органлари масъул. Шундай экан, муаммони олиб чиққан “етилик” ходимларини айблаш эмас, қўллаш керак. Унутманг, маҳалла — топшириқ бажарувчи “хай баракаллачи” тузилма эмас, балки аҳолининг дардини эшитадиган, муаммоларни жойида ҳал этадиган, ижтимоий адолатни таъминладиган муҳим институтга айланиб бўлди.

Таҳририятдан: Сўнги маълумотларга кўра, фуқаро белгиланмаган жойга чиқинди ташлагани учун жаримага тортилибди. Албатта, қонун устувор, жазо муқаррар! Аммо одамларни шунга мажбур қилган корхона ходимлари, воқеага бир томонлама муносабат билдирган мутасаддиларчи?! Энг муҳими, муаммога ечим топилдими? Шу каби саволларга жавоб олиш учун мавзуга яна қайтамиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нодирбек КЕНЖАЕВ, Тўртқул тумани:

— Мен ишсиз сифатида рўйхатга олинган эдим. “Маҳалла еттилиги” ходимлари бир неча ишларни тақлиф этишди. Уларнинг орасида мавсумий ишлар ҳам бор. Агар мавсумий ишга қабул қилинсан, қандай ҳуқуқларга эга бўламан?

МАВСУМИЙ ИШДА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ БЕРИЛАДИМИ?

Абборбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Иқлим ва бошқа табиий шароитлар туфайли муайян давр давомида бажарилмайдиган ишлар мавсумий ишлар ҳисобланади. Уларнинг давомийлиги, одатда, 6 ойдан ошмаслиги керак. Мавсумий ишлар, жумладан, 6 ойдан ортиқ давом этадиган айрим ишлар рўйхати ва уларнинг энг кўп давомийлигини Вазирлар Маҳкамаси уч томонлама комиссия билан келишган ҳолда белгилайди. Мавсумий ишнинг хусусияти меҳнат шартномасида кўрсатилиши керак. Бу жараёнда ходимларни ишга қабул қилиш учун синов муддатидан белгиланмайди. Ходимлар билан меҳнат шартномаси мавсумнинг давомийлигидан ошмайди мудатга тузилади.

Мавсумий ходимлар ишнинг ҳар бир ойи учун камида икки календарь кун ҳисобидан ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга. Агар тўлиқ мавсум ишланган бўлса, унга кейинчалик меҳнат шартномасини бекор қилган ҳолда ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилмайди. Бу ҳолда таътилни охириги кунин меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, деб ҳисобланади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Ўш, аслида нима бўлган? Нега маҳалла ва аҳоли хизмат кўрсатувчи “Мусаффо иқлим” корхонасидан норози?

“Янги замин” маҳалласи раиси Гавҳархон Турғунованинг маълум қилишича, бу йўналишда аҳолига 3 ойдан бери хизмат кўрсатилмаётгани рост. Муаммога ечим топиш учун Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг вилоят бошқармасига хат орқали мурожаат қилинган. Лекин натижа йўқ. Аҳоли кўрсатилмаган хизматга пул тўлапти. Тушунарсиз жиҳати, муаммога безътибор ваколатли корхоналар қолиб, “калтак маҳалланинг бошида синяпти”. Ҳатто, айрим “каттакон”лар масалани ҳолийлар ёрдамида ҳал қилса бўларди-ку, дея “маслаҳат” беришди.

— Ишонинг, ички имкониятдан фойдаланиб, кўп марта чиқиндиларни ҳашар йўли билан олиб чиқиб ташладик, — дейди маҳалла раиси. — Битта машинага 1-1,5 миллион сўм маблағ сарфланади. Ойига 10 та машина жалб қилиш лозим. Бу — 15 миллион сўмни ташкил этади. Маҳалла бунча маблағни қаердан олади?! Видеоплава эълон қилинган, айрим ташкилот раҳбарлари эътироз билдириб, бу нима аҳвол, дея мени саволга тутишди. Тўғ хаммасига маҳалла раиси айбдордек, муносабат бўлди. Ваҳоланки, ваколатим доирасида иш олиб бордим. Яъни, аҳоли муаммосини ҳал этишга интилдим. Ахир тизимдаги ўзгаришларнинг энг муҳими, ҳокимдан тортиб, корхона, ташкилот раҳбарлари куйига — маҳаллага тушиб ишлаши, халқнинг муаммосини эшитиши керак эмасми? Шу тартибга амал қилинганда, ҳозир аҳвол бу даражага келмаган, айрим раҳбарлар ўзимизни айбдор қилмас, муаммони айтганини жазолашдан кўра, уни ҳал этиш билан шуғулланган бўларди.

Энди Наманган вилоят экология ва иқлим ўзгариши бошқармасининг муносабатига тўхталамиз. Қисқа мазмун шундай: “чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича барча хизматлар “Мусаффо иқлим” корхонаси орқали рисоладагидек кўрсатилган, буни асословчи иш жадвали ва фотолар мавжуд”. Тумандаги кўллаб маҳалла раислари бунинг аксини билдиришди. Муносабат ёлғон ахборотга асосланиб ёзилган.

Ахир хизмат кўрсатилганини аниқлаш учун аниқ вақт тартибда автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)дан фойдаланган ҳолда назорат қилиш имкони яратилганига анча бўлган-ку?! Уша тизим орқали вазиятга ойдинлик киритса бўлар эди-ку?!

Кейинроқ ҳаммаси ойдинлашди. Муносабат хизмат кўрсатувчининг жавоби асосида ёзилган. Айбдорнинг ўзидан айбдормисан, деб сўрашган. Бу қанчалик тўғри эканини ўқувчига ҳавола қиламиз. Аслида, айбланаётган корхона ҳеч замонда ўз бошини ўзи кундага қўймайди-ку?!

элементлари мувозанати сақланиши шарт. Кўчатлар экишдан олдин ишлов берилса, ҳосилдорликни ошади. Мулчалаш намликни сақлаб, бегона ўтлар ўсишини камайтиради.

Қалампир совуққа жуда сезгир. Ҳатто қисқа мудатли паст ҳарорат ҳам ўсишни тўхтатиб қўяди. Шу сабабли кечки совуқ ҳавфи бўлса, махсус усулда вақтинча ёпиш тавсия этилади.

Бир сўз билан айтганда, тўғри танланган экиш муддати, сифатли кўчат, илмий асосланган агротехник ишлов ва мунтазам парвариш — мўл ва сифатли ҳосил гарови.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Таъми аччиқ, аммо даромади ширин

Қалампир — жуда сердаромад, иссиқсевар ва юқори агротехник ишлов талаб қиладиган сабзавот. Шунинг учун, аввало, экиш учун тўғри вақт танлаш зарур.



Шодмон НАМОЗОВ, Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Бу амални жанубий худудларда 20 мартдан, марказий ва шимолий худудларда 10-20 апрелдан бошлаб, ойнинг охириги ўн кунлигида, ҳаво ҳарорати +15...+18 даражадан паст бўлмаган ҳолда бажариш тавсия этилади.

Кўчат камида 7-8 та чинбарг чиқарган, барглари тўқ яшил ва соғлом, буйи 17-22 см., шунингдек, илдиз тизими яхши ривожланган, камида 20-25 фоиз қисми шоналаш босқичида бўлиши лозим. Эгатлар ораси 70-90 см., кўчатлар ораси 25-30 см. олиниб, текис ва ўртача баландликда тайёрланади.

Бир сотих майдонга ўртача 500-600 дона кўчат эрта тонгда ёки кечки салқинда экилади. Сўнг дарҳол сугорилади. Дастлабки 5-7 кунларда ҳар куни ёки кунора сугориш тавсия этилади. Кейинчалик бу меъёр тўпроқ намлигига қараб белгиланади.

Мутахассислар тавсиясига кўра, тўпроқ ҳарорати +16 даражадан паст бўлса, илдиз ўсиши секинлашади. Бунинг олдини олиш учун азот, фосфор ва калий



2026 йил 1 апрелдан Ўзбекистондаги давлат тиббиёт муассасалари 5 КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИГА ўтади.



Дарахт экканларга “экофаол фуқаро”дан тортиб, “меценат”гача бўлган МАҚОМ ВА МУКОФОТЛАР БЕРИЛАДИ.



1 апрелдан ипак қуртини парваришлаш учун касаначиларга 3 йил муддатга БҲМнинг 50 бараваригача миқдорда ФОИЗСИЗ ССУДА АЖРАТИЛАДИ.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

“E-nizoli oila”:

Оилавий можароларнинг аниқ, тизимлаштирилган ечими

Янги тизим

Жорий йил 1 майга қадар мамлакатимизда “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизимининг “E-nizoli oila” модули ишга туширилади. Мазкур тизим низоли оилалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил ва мониторинг қилиш имконини беради. Бу эса оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Жавоҳир ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент давлат юридик университети Хуқуқ ва рақамли технологиялар тадқиқот бўлими кичик илмий ходими.

Оилавий можароларнинг раҳбарининг “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида”ги қарорига кўра, маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш масаласига ёндашув тубдан ўзгартирилади. Қарорда ижтимоий муаммоларни фақат оғзаки ахборот ёки умумий ҳисоботлар асосида баҳолаш эмас, балки аниқ, тизимлаштирилган ва электрон маълумотларга таянган ҳолда ишлаш тартиблари белгиланган. Ана шундай ёндашувнинг энг муҳимлари — “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими ва унинг таркибидagi “E-nizoli oila” модулидир.

Жиноятчиликнинг илдида ётган ижтимоий сабабларни аниқлашда низоли оилалар, ижтимоий мослашувга муҳтож шахслар, хавф гуруҳига кирувчи фуқаролар билан ишлаш устувор вазифа саналади. “E-ijtimoiy profilaktika” тизими айнан шу тоифадаги шахслар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил ва назорат қилишга хизмат қилади. Бу тизим орқали маҳаллаларда мавжуд ижтимоий муаммолар тасодифий эмас, балки тизимли ва узулқиссиз равишда ўрганилади. Натижада қайси ҳудудда қайси омил жиноятчиликка қучли таъсир қилаётгани аниқланади ва манзилли чоралар белгиланади.



Алоҳида эътиборга молик жиҳат — “E-ijtimoiy profilaktika” модулининг жорий этилишидир. Қарорда оилавий низолар, ажралишлар, суд жараёнлари ва ижтимоий зиддиятлар жиноятчиликка олиб келувчи асосий омиллardan бири сифатида кўрсатилган.

Шу боис низоли оилалар буйича маълумотларни ягона электрон платформада жамлаш ва уларни назорат қилиб бориш орқали жиноят содир этилишидан олдин профилактик чоралар кўриш мақсад қилинган. Бугунги рақамли даврда бу тизимнинг аҳамияти янада ортади. Чунки кўплаб кибержиноятлар ҳам айнан ижтимоий беқарорлик, назоратсизлик ва оилавий муаммолар таъсирида юзага келади. Масалан, фирибгарлик схемаларига жалб этилиш, ноқонуний онлайн фаолиятга аралашуви ёки интернет орқали содир этиладиган хуқуқбузарликлар

кўпинча ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар билан боғлиқ бўлади. “E-ijtimoiy profilaktika” тизими кибержиноятчиликни бевосита тартибга солувчи ҳужжат бўлма-са-да, унинг ижтимоий илдишларини барвақт аниқлаш имконини беради. Бу эса рақамли жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Тўплаган маълумотлар асосида аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижроси назорат қилиниши кўзда тутилган. Бу ёндашув жиноятчиликка қарши курашни субъектив баҳолашдан қийратиб, маълумотларга асосланган бошқарув моделига ўтказилади.

Оқиллик — оила беағи

Учинчи шахс аралашмаса, оилалар тинч-тотув яшайди

Маҳалладаги ҳар куним ўзига хос тарзда ўтади. Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида турфа тақдир эгаларини учратамиз. Уларнинг муаммоларига ечим излаш асосида тажриба ва малакамиз ортапти.

Сайёра БЕКЖОНОВА, Урганч шаҳридаги Ал-Хоразий номидаги ва “Ҳамжихатлик” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Кунинг кеча эришган натижамизни сиз билан бўлишим келди. Кўчабоши хонадонлардан бирида келишмовчилик юзага келгани ҳақида хабар қилди. “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари ҳамда “еттилик” вакиллари билан воқеа жойига етиб бордик. Вазиятни пухта ўргандик. Маълум бўлишича, эр-хотин ўзлари алоҳида яшар экан. Бир нафар фарзанди бор, аёл яна ҳомиладор. Шу ҳолатда ҳам улар арзимас сабаблар билан қаттиқ жанжаллашиб қолади.

Оила вакиллари билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдик. Аввалига, ҳар иккиси ярашишни истамай, қарориди қатъий туриб олди. Лекин фарзандларнинг тақдири ҳақида сўз кетганда, вазият анча юмшади. Қайта-қайта уринишларимиз самараси ўлароқ, нихоят ёш оиланинг янги ҳаёт бошлашига ёрдам бердик.

Ажралишларни камайтириш учун кўпроқ хотин-қизларни бандлигини таъминлашга эътибор қаратяпмиз. Бу ёндашув, биринчи навбатда, вақтни мазмуни ўтказишга хизмат қилади. Қолаверса, рўзгорнинг бутлиги ҳамда турмуш фаровонлиги муносабатларини янада мустаҳкамлайди.



Тўғри, доим ҳам натижа қутилганидек бўлмайди. Айрим вақтларда қанчалик ҳаракат қилмайлик, жар ёқасига келиб қолган оилани тиклай олмаймиз. Агар ўтган йилги кўрсаткичларни таҳлил қилсак, маҳалламизда 3 та ажралиш ҳолати қайд этилди. Ҳеч бирининг тайинли сабаби йўқ. Учинчи шахс аралашуви билан ўртада пай-

до бўлган совуқчиликни бар-тарф этишининг сира имкони бўлмади.

Шу мақсадда йил бошидан буён 6 нафар аёлга имтиёзли кредит ажратиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига қўмақлашдик. Ҳозир улар тивувчилик, қандолатчилик ҳамда сартарошлик йўналишларида ишлаб, яхшигина дорамад топяпти.

Сабоҳат Маримова икки йилдан буён ўз бизнесини ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилаётган тадбиркорлардан. У маҳалладаги бўш бинони ижарага олиб, кўрпа, кўрпача ва ёстиқ тикиш билан шуғулланыпти. Шу билан бирга, барча вилоятлардан буюртма қабул қилиб, етказиб беришни ҳам амаллаяпти.

Опа-сингилларимизнинг ҳар қандай ютуғини қилган меҳнатларимиз самараси, деб биламан. Агар ҳар бир вазирамизга масъулият билан ёндашсак, маҳаллаларимиз бундан-да фаровон бўлади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМЎЖАЕВА тайёрлади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Жаҳон ўзбек аёлини каштасидан танийди

Ўзбек каштачилиги асрлар давомида шаклланиб, нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида юксак кадрланиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу ноёб санъат турига бўлган қизиқиш тобора ортиб, у миллий қадриятларимизнинг жаҳон маданий меросида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.



Зариф КОМИЛОВ, журналист.

Шофиркон туманидаги Навоий қишлоғида яшовчи моҳир каштачи, “Дустлик” ордени соҳиби Зухра Облобердиева ана шундай бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга етказиб қалаётган фидойи хунармандлардан бири.

У Европа, Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларида ўтказилган кўргазмаларда иштирок этиб, ўзининг бетакрор кашталари билан томошабинлар қалбини забт этмоқда.

Япониянинг Токай университети талабалари бир неча йилдан буён Шофирконга ташриф буюриб, Зухра Облобердиевадан миллий хунар сирларини ўрганиб келмоқда. Бу эса хунарманднинг нафақат маҳаллий ёшлар, балки хорижликларда ҳам миллий санъатимизга бўлган қизиқишини оширишга қўшаётган хиссасини кўрсатади.

Айни пайтда Зухра Облобердиева хонадониди япон тадқиқотчиси, Токай университети профессори, этнограф Эмми Имахори меҳмон бўлиб турибди. Унинг Ўзбекистонда олиб борган илмий изланишлари натижасида Японияда “Каштачилик аёллар дунёси-

ни қандай ўзгартиради” номли китоб нашр этилди. Ушбу асарда Ўзбекистон, хусусан, Бухоро ҳудудидаги анъанавий каштачилик, аёл хунармандларнинг ҳаёти ва ижоди кенг ёритилган. Китоб этнографик жиҳатдан бой манба бўлиб, унда каштачилик сирлари, нақшлар маъноси ва уларнинг тарихи чуқур таҳлил қилинган.

— Бухоро қишлоқларидан бирида Зухра опани учратдим, — дейди профессор Эмми Имахори. — Унинг кашталарини кўриб, ҳайратда қолдим. Нақшлари ва услуби ўзига хос, янгича ёндашув билан бойитилган. Менда кўплаб саволлар туғилди ва уларнинг барчасига Зухра опадан жавоб олдим. У киши билан ҳамкорлигимизга қарийб 20 йил бўлди ва бу жараён китобимда ўз ифодасини топган.

Эмми Имахори Зухра опанинг уйида икки йил яшиб, ўзбек тилини, миллий урф-одатлар ва қадриятларини ўрганди. У нафақат Шофиркон каштачилик мактабин, балки Темурийлар давридан буён сақланиб қалаётган Шаҳрисабз, Нурута ва Бойсун йўналишларини ҳам пухта билди. Унинг илмий ишлари миллий санъатимизни халқаро майдонда тарғиб қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

ИШЛАГАНГА ТОМОРҚА КЕНГ ИМКОНИЯТ МАЙДОНИ

Кулупнай — бозордаги энг харидоригр маҳсулотлардан бири. Мазали ва витаминларга бой бўлган бу меванинг талаб-ғирлиги йилнинг деярли барча фаслларида сақланиб туради. Шу боис уни етиштириш нафақат хонадон дастурхонини тўлдириш, балки оилавий даромад-ни оширишда ҳам муҳим манбага айланмоқда.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Шўрчи туманининг “Офтобмакон” маҳалласида яшовчи Сурайё Бобомуродова ҳам томорқадан самарали фойдаланиб, кулупнай етиштириш орқали даромад топаётган фаол хотин-қизлардан. У хонадониди 5 сотихли иссиқхонанинг 2,5 сотих қисмида мазкур экинни парваришлаш бўйича катта тажрибага эга.

— Кулупнайни бир марта эксангиз, камида тўрт йил давомида ҳосил беради, — дейди у. — Агар йилга ўртача 40 миллион сўм атрофида даромад олсан, тўрт йилда бу 160 миллион сўмга етади. Бунинг учун эса ерни ўз вақтида маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш ва мавсум давомида ҳафтасига бир-икки марта суғориб туриш кифоя. Энг муҳими — меҳнатдан қочмаслик ва экинга доимий эътибор қаратиш.



Ҳозирги кунда Сурайё Бобомуродова томорқасида етиштирилаётган кулупнайлар маҳаллий бозорга чиқариляпти. Махсулот табиий ва янги узилгани боис бозор расталарида тез сотилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бундай ташаббускорлик нафақат бир оиланинг фаровонлигига, балки маҳаллада бандлигини таъминлаш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилади.



Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри ва пойтахтнинг Бектемир туманини боғловчи ТЕЗЮРАР АВТОБУС ҚАТНОВИ йўлга қўйилади.



Марказий банк нақд чет эл валютасини паспорт кўрсатмасдан сотиб олиш лимитини 100 ДОЛЛАРДАН 500 ДОЛЛАРГАЧА оширишни таклиф қилди.



Ёш вокалист ЯСМИНА ҲУСНИДДИНОВА "Britain's Got Talent" истеъдодлар шуосида Ўзбекистон номидан иштирок этган илк қатнашчи бўлди.

2026 йил
28 МАРТ,
ШАНБА

Mahalla №26

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА ҚЎМАКЧИ

МУЛОҲАЗА

Хориждан қайтиб, ҳам даромад, ҳам шогирд топди

...Кун охири. Ишдан чарчаб, уйга кираётганимда телефоним жириглаб қолди. Одатдагидек, оддий кўнғирок, деб ўйлаб кўтардим. Аммо бу сафар суҳбат бутун кайфиятимни ўзгартириб юборди...

Илҳом ТОЖИЕВ,
Беруний туманидаги
“Шоббоз” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Телефон қилаётган инсон анчадан бери хорижда ишлаб юрган йигит — Акмал Эргашев эди. У билан олдин ҳам гаплашганимиз, юртга қайтиб келиб, шу ерда иш бошлаш нияти борлигини айтганди. Лекин бу сафар унинг овозида қатъият, ишонч ва энг муҳими — Ватанга бўлган меҳр сезилиб турарди.

Акмал 4 йил давомида чет элда ишлаган, “detailing” йўналишида катта тажриба тўплаган экан. Суҳбат давомида унинг ишлари у ерда яхши кетаётганини ҳам билдим. Шунда беихтиёр савол бердим: “Нега қайтмоқчисан?” Жавоби эса мени ўйлантириб қўйди: “бу соҳа бизда хали янги, лекин истиқболли катта. Агар шу йўналишни маҳалламизда йўлга қўйсақ, кўплаб ёшлар учун иш ўрни яратиш мумкин”.



Унинг гапларидан англадимки, у фақат ўз даромадини ўйлаётган йигит эмас. У юртига фойда келтиришни, ўз билимини бошқалар билан бўлишишни истайдиган, чин маънода жонкуяр инсон. Бу гаплар мени жуда қувонтирди. Ёшлар етакчиси сифатида бундай ташаббусни қўллаб-қувватламасликнинг иложи йўқ эди. Қўлимдан келганича ёрдам бердим.

Кўп ўтмай, Акмал ўз ниятини амалга оширди. У имтиёзли 100 миллион сўм кредит олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйди. Бугун эса 24 ёшида мустақил тадбиркор сифатида ўз ўрнини топди.

Дастлаб Акмал бизга “detailing” нима эканини батафсил тушунтириб берди. Бу оддий автоювиш эмас. “Detailing”, бу — автомобилни энг майда деталларига профессионал даражада тозалаш, тиклаш ва химия қилиш жараёни. Машинанинг ташқи кўриниши полировка қилинади, салон чуқур кимёвий тозаланади, махсус химия қопламалари билан ишлов берилади. Мақсад эса автомобилни деярли ишлаб чиқарилган ҳолатига қайтаришдир.

Бугун унинг устахонасида бир неча ёшлар ишламоқда. Энг қувонарлиси, улар шунчаки ишчи эмас — шогирдлар. Акмал ўзи ўрганган касбни уларга ўргатмоқда, тажрибасини улашмоқда. Ҳар бир ёшнинг қўлида хунар бўлиши учун ҳаракат қилмоқда.

Акмалга қараб шуни яна бир бор англадим: ҳақиқий ватанпарварлик бандан гапларда эмас, амалда намоён бўлади. У хорижда ишлаб ҳам юртини унутмаган, аксинча, ўша ерда ўрганган билимини Ватанга олиб келиб, ёшлар билан бўлишмоқда.

БАНДЛИК БАРҲАН ТОПЯПТИМИ?

Имкониятни тўғри баҳолай билиш — биринчи ютуқдир!

Ғузур туманидаги “Мустақиллик” маҳалласида яшовчи Жонибек Қудратов бепул тил курсларида таҳсил олиб, бугун Хорватия давлатида қонуний тартибда меҳнат қилмоқда.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Туман раҳбарлари билан ўтказилган онлайн мулоқот давомида Жонибек ўз ҳиқоясини самимий сўзлаб берди. Унинг айтишича, маҳалласидаги ёшлар етакчисининг кўмаги билан бепул тил ўрганиш имкониятидан фойдаланган. Аввалдан тил ўрганишга қизиқиши бўлган Жонибек қисқа фурсатда рус тилини ўзлаштириб, хорижда ишлаш учун йўл олди.

Бугун Жонибек Хорватияда уйларнинг фасад қисмида ишламоқда. У ерда 8 ойдан бери меҳнат қилиб келаётган йигит онлайн мулоқотда ўз иш жараёнларини ҳам кўрсатди. Унинг сўзларига кўра, маҳаллий аҳоли унга ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Бугун амалиётда шуни кўп кузатяпман: болалар ҳаётида смартфон жуда эрта пайдо бўляпти ва бу аста-секин уларнинг соғлиғига таъсир кўрсатмоқда. Кўпчилик бунга жиддий қарамайди — “бола жим ўтирса бўлди” деган қараш бор. Аммо сўнгги илмий маълумотлар буни қайта ўйлаб кўриш кераклигини кўрсатади.

СМАРТФОН БИЛАН БАНД БЎЛИШ, БУ — НОТЎҒРИ НАМУНА

Гулмира ХЎЖАЕВА,
тиббиёт фанлари доктори, педиатр.

Тадқиқотларга кўра, смартфондан фойдаланган 12 ёшли ўсмирларда депрессия хавфи 30 фоизга, семизлик 40 фоизга, уйқусизлик эса 60 фоизга юқори бўлади. Ўзбекистонда бу борада кенг қамровли илмий тадқиқотлар хали кўп эмас. Лекин шифокорлар ва ўқитувчилар орасида кузатувлар бор: болаларда ортиқча вазн, асабийлик, диққатнинг пасайиши кўпайиб бормоқда. Бу эса муаммо аллақачон бизда ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Яқинда қабулимга келган бир ота-она айнан шу муаммо билан мурожаат қилди. Улар боласида оддий ҳолатдан фарқ қиладиган ўзгаришларни сезишган: бола кечаси кеч ухлайди, эрталаб чарчоқ билан туради, тез жахли чиқади, ҳатто баъзан агрессив бўлиб қолган. Текширув давомида мен унда уйқу тартиби бузилганини, ортиқча вазн йиғила бошлаганини аниқладим. Энг муҳим жиҳати — бола аста-секин ижтимоий муҳитдан чекинаётган эди, яъни дўстлари билан кам мулоқот қилади, кўпроқ телефон билан банд.

Тўғри ёндашув эса оддий: телефонни тақиқлаш эмас, уни бошқаришни ўргатиш. Бола учун вақт чегараси бўлиши керак. Телефон кечаси эмас, кундузги эҳтиёж учун ишлатилиши керак. Энг муҳими, бола ҳаёти фақат экран билан эмас, ҳаракат, ўйин, китоб ва жонли мулоқот билан тўлиши керак.



Бу ҳолатни мен бошланғич даражадаги функционал бузилишлар, яъни хали касаллик чуқурлашмаган, лекин хавфли йўналишга кириб бораётган жараён сифатида баҳоладим. Агар вақтида чора кўрилма-са, бу депрессия, сурункали уйқусизлик ва метаболик муаммоларга олиб келиши мумкин. Ота-онага тушунтирдим: бу ерда асосий даво дори эмас. Энг катта хато — дарҳол дориға ёпишиш. Аслида, муаммо турмуш тарзида, демак, ечим ҳам шу.

Биринчи навбатда, боланинг телефон ишлатиш тартиби ўзгартирилади. Кунига 1-1,5 соатдан ортиқ фойдаланмаслик қатъий белгиланди. Айнаси, кечқурун, ухлашдан олдин телефон ишлатиш бутунлай тўхтатилди. Чунки экран нури уйқу гормонларига таъсир қилади.

Иккинчидан, жисмоний фаоллик оширилди. Болани спортга жалб қилишни тавсия қилдим. Ҳаракат, бу — фақат вазн учун эмас, балки асаб тизими учун ҳам энг яхши “дори”. Шу билан бирга, уйқу тартиби ҳам тикланди. Бола ҳар

кунни бир хил вақтда ухлаши ва уйғониши шарт қилиб қўйилди. Камида 8-9 соат уйқу мажбурий.

Кейин ота-онага алоҳида эътибор қаратдим: бола билан кўпроқ гаплашиш, вақт ўтказиш керак. Чунки кўп ҳолларда телефон боланинг ёлғизлигини “ёпадиган” воситага айланиб қолади. Зарурат бўлса, психолог билан ишлашни ҳам тавсия қилдим. Чунки руҳий ҳолатни тиклаш вақт ва тўғри ёндашув талаб қилади.

Бир неча ҳафта ўтгач, бола қайта кўриққа келди. Ижобий ўзгаришлар аниқ сезилди: уйқу яхшилانган, асабийлик камайган, вазни аста-секин меъёрлашаётган эди. Энг қувонарлиси, у яна тенгдошлари билан мулоқот қила бошлади.

Шу мисол орқали бир нарсани аниқ айтмоқчиман: муаммо смартфоннинг ўзида эмас, балки назоратсиз фойдаланишда. Афсуски, баъзи ота-оналар бу масъулиятни эътибордан четда қолдиради ёки ўзлари ҳам телефон билан банд бўлиб, болага нотўғри намуна кўрсатади.

— Улар мендан тез мослашиб кетганимнинг сабабини сўрашади, — дейди Жонибек. — Шунда мен юртимизда бепул тил курслари борлигини айтмаман. Буни эшитиб улар ҳайрон қолишади. Чунки бу ерда бепул таълим деярли йўқ.

Жонибекнинг айтишича, айнан шу ҳолат унинг юртига бўлган меҳрини янада оширган. Бугун у ўз меҳнати билан даромад топаётган бўлса, бу имконият ортида ўз вақтида берилган тўғри йўл-йўриқ ва яратилган шароитлар турибди.

Бу каби мисоллар шуни кўрсатадики, ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳар бир йигит-қиз ўз ҳаёт йўлини топа олади. Энг муҳими эса — интилиш ва имкониятни тўғри баҳолай билишдир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Достон ХОЛОВ,
Хоразм вилояти:

— Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Биринчи турмушимдан бир фарзандим бор ва ойлигимдан унинг алиментини тўлайман. Ҳозир бошқа оиламдан ҳам фарзандим бор. Саволим шуки, ногиронлик нафақамдан биринчи турмушимдаги фарзандим учун алимент ундириладими?

НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИДАН АЛИМЕНТ УНДИРИЛАДИМИ?

Убайдулло ШАРОПОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Оила кодексининг 96-моддасида ҳар бир ота-онага вояга етмаган фарзанди учун алимент тўлаш мажбурийлиги белгиланган. Шу боис ота ёки она болага моддий ёрдам кўрсатишдан бош торта олмайди, фарзанднинг манфаатлари устувор ҳисобланади. Иш жойингиз ёки бошқа шахсий ҳолатларингиз бу мажбуриятни бекор қилмайди.

Агар ота-она ўртасида алоҳида келишув мавжуд бўлмаса, алимент суммасини суд белгилайди. Масалан, бир болага ойига даромадининг тўртдан бири, икки болага учдан бири, уч ва ундан ортиқ болага эса ярим миқдори ундирилади. Шу билан бирга, ҳар бир болага ундирилмайдиган сумма меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг камидан 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги шарт.

Муҳим жиҳат шундаки, Солиқ кодексининг 371-377-моддалари бўйича ногиронлик нафақаси ҳам сизнинг даромадингиз сифатида ҳисобланади. Шу боис бу нафақа ҳам алимент ҳисоб-китобида инобатга олинади.



Янги Тошкентда тураржойлар, тижорат бинолари, меҳмонхоналар, маданият ва таълим марказларини ўз ичига олган “БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ” МАЖМУАСИ қурилади.



“НУРЛИ МАСКАН” ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасидаги фан олимпиадасининг Республика босқичи бўлиб ўтди.



Ўзбекистонда янги ботаника боғлари ва дендропарклар камида 50 мингта дарахтдан иборат ЯХШИЛ КОМПЛЕКСЛАР СИФАТИДА барпо этилади.

6

Mahalla №26

2026 йил 28 МАРТ, ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Адаптив спорт: умид, ишонч ва катта ютуқлар сари йўл

Таиланднинг Чиангмай шаҳрида пара велоспортнинг шоссё йўналиши бўйича жаҳон кубоги мусобақаси ўз ниҳоясига етди. Беш кун давом этган мурасиз беллашувларда дунёнинг 36 та мамлакатидан 200 нафарга яқин спортчи қаторида мамлакатимиз вакиллари ҳам совринли ўринларни қўлга киритди.



Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Шиддатли кечган баҳслар сарҳисобига кўра, матонатли велоспортчиларимиз 3 та олтин, 2 та бронза медалига эгалик қилишди. Хусусан, Покиза Аҳмадбекова вақт пойғаси ва гуруҳ пойғасида иккита олтин, Маржона Пардабоева вақт пойғасида олтин, гуруҳ пойғасида бронза, Бунёд Хайитмухаммедов вақт пойғасида бронза медалига сазовор бўлди.

Бундай натижаларни кўрганда, ич-ичимиздан гуруҳ туйишимиз табиий. Пара спортчиларимизнинг саъй-ҳаракати ва ўз устида тинимсиз ишлаши натижаси улароқ, ютуқларимиз кўлами тобора кенгайиб бораётти. Қолаверса, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда яратиб берилаётган шарт-шароитлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Сўнги уч йилда параспорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони тўрт қара кўпайиб, улар 7 минг нафардан ошди. Аёл параспортчилар улуши эса 29 фоизга етди. Илгари бу тоифадаги ёшлар учун атиги 33 та мактабда спорт тўғрисидаги фаолият юритган бўлса, бугун бундай муассасалар сони 235 тани ташкил этади.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларни спортчи қилиб тайёрлашда илмга асосланган методика, стандарт, ўқув адабиётлари ишлаб чиқиш жараёнлари жадал олиб борилаётти. Бу ёндашув келгусидаги муваффақиятларга замин яратиши шубҳасиз.

Жорий йилдан бошлаб камида 100 нафар ногиронлиги бўлган спортчи ва уларнинг мураббийларини малака ошириш учун хорижа юбориш режалаштирилган. Ўзаро тажриба алмашинуви, илғор усул ва ёндашувларни ўзлаштириш эса бесамар кетмаслиги аниқ.

Адаптив спорт турлари ассоциацияси А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган ёшларни спорт билан қамраб олиш бўйича илмий асосланган методика ва стандартларни ишлаб чиқаяпти. Университетнинг Тошкентдаги филиалида адаптив спорт бўйича алоҳида факультет очилиши орқали профессионал мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, ҳудудлардаги 39 та спорт мактаби параспорт турлари ихтисослаштириляпти. Параспортчилар, айниқса, ногиронлиги бўлган қизларнинг имкониятига қараб, бошқа спортчилар билан бирга шуғулланишига шароит яратиш масаласи кўриб чиқилаяпти.

Бу тоифадаги ёшлардан терма жамоаларни шакллантириш бўйича селекция тизими бошқа спортчилар билан бир хил эди. Масалан, фақат республика мусобақалари совриндорлари терма жамоага қабул қилинаётганди. Бундан буён ёшлар мусобақа натижасига қараб эмас, балки спорт нормативларини бажаришига кўра ҳам терма жамоага қабул қилинадиган бўлди. Бу ҳақиқий инклюзив тизимга айланади, ногиронлиги бўлган спортчиларда эса катта рағбат уйғотади.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Ҳар бир оиллага оддий ташриф билан чекланиш хато

Ижтимоий ходим фаолияти фақатгина хонадонларга оддий ташриф билан чекланиб қолмаслиги керак. Ҳар бир муҳтож оила, синовларни бошдан кечириётган кишига алоҳида ёндашув, инсоний меҳр ва профессионал хизмат кўрсатилгандагина халқ ишончи қозонилади.



БИЗ СЕН БИЛАН БОЛАЖОН...

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Қарши, Қамаш, Косон, Ғузор ва Яққабог туманлари ҳамда Қарши шаҳрида янги “Кундузги парвариш хизматлари” ташкил этилди. Мазкур марказлар орқали 180 нафар ногиронлиги бўлган болани қамраб олиш режалаштирилган.

КУНДУЗГИ ПАРВАРИШ ҲАМ ОНАГА, ҲАМ БОЛАГА ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Дилшод ШОДИЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Мутахассислар таъкидлашчи, бу каби хизматларнинг йўлга қўйилиши нафақат болалар учун сифатли парвариш ва ижтимоий мослашув имкониятини кенгайтиради, балки уларнинг ота-оналарига ҳам катта енгиллик яратади. Яъни, фарзанд парвариши билан доимий банд бўлиб келган 180 нафар ота-она учун меҳнат бозорига қайта кириш, доимий иш ўрнига эга бўлиш имконияти пайдо бўлади.



Муҳаббат ҲАЙИТОВА, Жондор туманидаги “Навгади” маҳалласи ижтимоий ходими.



Ҳудудимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратиляпти. 7 нафар вояга етмаган гўдак васийлик, ҳомийлик ва патронат асосида оилаларга жойлаштирилиб, меҳр-муҳаббат муҳитида улғайиш имконига эга бўлди.

Шунингдек, 12 нафар алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган бола инклюзив таълим тизимига жалб қилинди. Бу эса уларнинг тенгдошлари қаторида билим олишига, жамиятга мослашишига кенг йўл очди.

Адижон Азимов болаликдан ногиронлиги бўлгани учун узоқ вақт давомида таълим жараёнидан четда қолган эди. “Етилик” ташаббуси билан у инклюзив таълимга жалб этилди. Бугунги кунда Адижон тенгдошлари қаторида билим оляпти. Энг муҳими, унинг ҳаётга бўлган ишончи орди, келажакка умид пайдо бўлди.

Тизими ёндашув, инсонийлик ва фидойилик уйғунлашганда, энг оғир ҳаётий вазиятларни ҳам енгиб ўтиш мумкин. Энг муҳими — инсонларга умид бериш, уларни жамиятнинг тулақонли аъзоси сифатида қўллаб-қувватлашдир.

Бугун маҳалламизда олиб берилган ишлар натижадорлигини аниқ рақамларда ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, 12 нафар кекса сихатгоҳларда соғломлаштирилиб, уларнинг саломатлиги тикланди. 25 нафар муҳтож шахс протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланди. Бу эса уларнинг кундалик ҳаётини енгиллаштириб, мустақил ҳаракатланиш имкониятини кенгайтирди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ҳаётига фаол жалб этиш ижтимоий ишнинг энг муҳим йўналишларидан бирдир. Шу маънода, 10 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан таъминлангани уларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади, жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилди.

Бундан ташқари, 12 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро адаптив спорт турларига жалб қилиниб, уларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатини яхшилашга эришдик. Спорт орқали улар янги дўстлар орттириб, ҳаётга бўлган қизиқиши янада ортди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА тайёрлади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР УЙЛАР — ҚУЛАЙ, ЗАМОНАВИЙ ҲАМДА ҲАМЁНБОП

Президент қарорига мувофиқ, 2026 йил 1 мартдан бошлаб Ижтимоий реестрга киритилган, 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлмаган оилалар хонадонларини энергия тежамкор тарзда таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди.

Паҳратдин ХУДОЙБЕРГЕНОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси шўба мудири.

Бугунги кунда ушбу дастур доирасидаги амалий ишлар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бошлаб юборилди. Жумладан, Нукус шаҳридаги “Исбилерменлер аймаги” маҳалласида истиқомат қилувчи 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган Бахтиёр ота Қудайқулловнинг хонадонида таъмирлаш ишлари бошланди. Дастлабки босқичда уйнинг эскирган деразалари замонавий, энергия тежовчи ойналарга алмаштирилди. Келгусида эса хонадоннинг ташқи қисмини иссиқликни сақловчи материаллар билан қоплаш, том қисмида зарур изоляция ишларини амалга ошириш режалаштирилган.



Мазкур ишлар нафақат уй ичидаги иссиқликни сақлаб қолиш, балки энергия сарфини сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли харажатларини қисқартириш ҳамда яшаш шароитларини янада яхшилаш имконини беради.

Дастур асосида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 118 та хонадонда шундай таъмирлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган. Мутахассисларнинг таъкидлашчи, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, бу нафақат иқтисодий самара-

дорликни таъминлайди, балки атроф-муҳитни асрашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, мазкур дастур аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун қўлай, замонавий ва энергия самарадор яшаш шароитларини яратишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.



Ўзбекистонга инвестицияларни ошириш мақсадида **ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МАРКАЗИ** ташкил этилади.



Ўзбекистон Италиядан **СУЊБЇЙ ИНТЕЛЛЕКТ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ** харид қилади.



Ўзбекистонда 2026 йилда ҳар бир футбол клуби **ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ДАВЛАТ БЎДЖЕТИДАН 35 миллиард сўмдан** маблағ олади.

2026 йил 28 МАРТ, ШАНБА

Mahalla №26

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

БАРҚАРОР БЎДЖЕТ

Маҳалла нафақат яшаш ҳудудини белгилувчи маъмурий бирлик, балки ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётида ёрдам ва қўллаб-қувватлаш манбаи сифатида фаолият юритади. Сўнгги йилларда маҳалла аҳолига янада яқинлашди, муаммоларни жойида ҳал қилиш имконияти ортди ва энг муҳими, марказда ҳар бир инсоннинг манфаатлари турибди.

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Самариддин **УБАЙДУЛЛАЕВ**, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Зарафшон шаҳар бўлими ҳисобчиси.



Ислохотлар жараёнида, шубҳасиз, маҳалла тизимидаги энг катта янгилик, бу — унинг молиявий мустақиллиги таъминлангани бўлди. “Маҳалла бюджети” тизимининг жорий этилгани, ер ва мол-мулк солиқларининг маълум қисми ҳудуднинг ўзида қолаётгани, ҳар бир йиғинда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилгани, айниқса, эътиборлидир.

Хавфсизлик масаласи — доимий диққат марказида. Хусусан, “Янги Зарафшон” маҳалласига 20 миллион сўмлик қузуват камералари ўрнатилиб, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳит яратиш ишлари кучайтирилди.



Ҳолатни Зарафшон шаҳридаги маҳаллалар мисолида олсак, ўтган йили жамғармаларга 517 миллион 644 минг сўм маблағ туширилди. Маблағлар аҳолининг кундалик турмуши, фаровонлиги ва хавфсиз яшаш муҳитини яратишга йўналтирилди, маҳаллаларда турли лойиҳалар амалга оширилди.

Масалан, “Юлдуз” маҳалласида қурилган пиедалар йўлакчаси кексалар ва болалар учун хавфсиз юриш имкониятини яратиб, кундалик ҳаракатланишни анча осонлаштирди. Бу ишга 58,8 миллион сўм маблағ ажратилди. “Наврўз” ва “Қончилар” маҳаллаларида ўрнатилган тунги ёритиш тизимлари эса аҳолининг кечқурун хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаб, жамоат тартибини сақлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Бундан ташқари, “Янги Зарафшон” маҳалласида 17,9 миллион сўм эвазига ўрнатилган чиқинди қўтилари ҳудуд тозаланиши сақлаш, санитария ҳолатини яхшилаш ва аҳолида экологик маданиятни оширишга хизмат қилаётир. “Қончилар” маҳалласида ўрнатилган ўриндиқлар фуқароларга қўлай дам олиш масканини яратиб, ҳудудда ижтимоий фаолликни оширди.

Аҳолининг соғлом ва осойишта ҳаёти учун яшил ҳудудларни кенгайтириш муҳим, албатта. Шу мақсадда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида “Баҳор” маҳалласида ташкил этилган истироҳат боғи 27,9 миллион сўмлик манзарали кўчатлар экилди. Энди ҳудуд аҳолисида табиат қўйнида хордиқ чиқариш, тоза ҳавода дам олиш имконияти мавжуд.

Шунингдек, маҳаллалар фаолиятини янада самарали ташкил этиш учун 9 та маҳалла фуқаролар йиғинининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 112,8 миллион сўм, 7 та маҳалла биносига қуёш панеллари ўрнатишга 152,9 миллион сўм ажратилди. Бу чора-тадбирлар энергия тежамкорлигини ошириб, харажатларни камайтиради ва маҳаллаларда замонавий инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилади.

Келгусида ҳам жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш орқали маҳаллаларда ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ишлари изчил давом эттирилади. Шу йўл билан Зарафшон шаҳридаги маҳаллалар инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйган, замонавий ва барқарор ривожланган маканларга айланади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТ — БИРДАМЛИК САМАРАСИ

Тажрибалар йиғилиб боргани сари инсон ўз касбининг ҳақиқий устасига айланар экан. Мен ҳам солиқ инспектори сифатида фаолият бошлаганимга, мана, 15 йил тўлди...



Фаррух ЭГАМБЕРДИЕВ, Янгиобод туманидаги “Шодлик” ва “Дўстлик” маҳаллалари солиқ бош инспектори.

Ростдан ҳам вақт оқар сувдек ўтар экан — ортга назар ташласам, бу йиллар давомида касбимнинг турли синовлари, ютуқ ва қийинчиликларини бошдан кечирдим. Шу жараёнда бир ҳақиқатни чуқур англадим: халоллик ва меҳнат инсоннинг энг катта бойлиги экан. Ҳозир фаолият юритаётган маҳаллаларда жами 1 267 нафар солиқ тўловчи мавжуд. Уларнинг 149 нафари деҳқон хўжаликлари, 150 таси юридик ташкилот ҳамда 45 нафари яқка тартибдаги тадбиркорлардир. Ҳар бирининг фаолияти қўллаб-қувватланиб, турли солиқ имтиёзлари берил-япти. Айниқса, “солиқчи — тадбиркорга кўмакчи” тамойили асосида олиб борилётган ишлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатяпти.

Маҳаллаларда тизимли ишлаш натижасида солиқ маданияти тобора юксалмоқда. Бугун тадбиркор ҳам, оддий фуқаро ҳам солиқнинг аҳамиятини чуқурроқ англай бош-лади. Энг муҳими, тўланган солиқларнинг маълум қисми, яъни 10 фоизи маҳалланинг ўзида қолиб, унинг ривожига хизмат қилаётгани аҳолининг ишончини янада мустаҳкам-лади. Натижада янги боғчалар қурилаётгани, йўллар таъмир-ланаётгани, инфратузилма ях-шиланаётганини ўз кўзи билан кўрган фуқаро солиқ мажбу-риятларини энди ўз ихтиёри билан, ўз вақтида бажаришга интиляпти. Бу эса юқори кўр-саткичларга эришишимизга замин яратаётир.

Шунингдек, солиқ имтиёз-ларидан самарали фойдала-наётган тадбиркорлар жамият олдидаги ижтимоий масу-

лиятини ҳам унутмаяпти. Масалан, маҳалламизда-ги “Илс Акрам” фермер хўжалиги раҳбари Акрам Йўлдошев 2-гурӯх ногирони Моҳира Йўлдошева-ни иш билан таъминлади. Нафақат у, балки 12 гектар ер майдонида яна бир неча ногиронлиги бор шахс банд қилинди. Бу эса инсонпарварликнинг ёрқин намунаси десак му-болоға бўлмайд.

Қувонарлиси, Пре-зидент фармонида кўра, Маҳалла тизими ходим-лари кўни муносабати билан “Шухрат” медалига интиляпти. Бу эса юқори кўр-саткичларга эришишимизга замин яратаётир.

Эришилган муваффақиятлар — “маҳалла еттилиги”нинг бирдамлиги самарасидир. Келгусида ҳам маҳаллаларда солиқ маданиятини янада юксалтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш асосий вазифамиз бўлиб қолади. Солиқ инспектори сифатида бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси эканимдан фахрланаман.

ТАРТИБ

Фармацевтика соҳаси ҳар бир мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизимида муҳим ўрин тутати. Аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш ушбу тармоқнинг устувор вазифалиридан.

ЯНГИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Тиркама учун ижара ҳақи эркин белгиланадими?

Охунжон **БОБОЕВ**, Наманган вилояти:

— Мен ўзимга тегишли тиркама ва ярим тиркамаларни бошқа шахсга ижарага бермоқчиман. Бу ҳолатда ижара тўловларининг энг кам ставкалари мажбурий тарзда қўлланиладими?



Жаҳонгир **АБДИЕВ**, Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари:

— 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун ижара тўловларининг энг кам ставкалари белгиланган. Унга кўра, юк автомобиллари учун мазкур ставка 1 824 000 сўмни ташкил этади. “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига кўра, юк автотранспорт воситалари таркибига шатакчи автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамалар ҳам киритилади. Бироқ амалдаги солиқ қоидаларига мувофиқ, ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғридан-тўғри фақат юк автомобилларига нисбатан қўлланилади.

Шу боис агар сиз тиркама ёки ярим тиркамани алоҳида объект сифатида ижарага берсангиз, улар учун алоҳида энг кам ижара ставкаси белгиланган талаби мавжуд эмас. Бундай ҳолларда ижара миқдори ўзаро келишувга кўра эркин белгиланади.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

у боис мамлакатимизда фармацевтика санаятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг 5 март кунини қабул қилинган “Фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва илмий тадқиқот жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони бу йўналишда муҳим қадам бўлди. Фармон асосида фармацевтика соҳасида янги солиқ имтиёзлари жорий этилмоқда. Хусусан, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари 3 йил давомида ер ва фойда солигидан, шунингдек, қурилган объектлар бўйича мол-мулк солигидан озод этилади.

Имтиёزلардан фойдаланиш шартли сифатида мазкур фаолиятдан олинмаган даромад улуши корхона умумий даромадининг камида 60 фоизини ташкил қилиши талаб этилади. Бу талаб тадбиркорларни фақатгина ишлаб чиқаришга эмас, балки самарали ва барқарор фаолият юритишга ундайди.



Сирасини айтганда, ушбу фармон орқали давлат фармацевтика ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш, илмий изланишларни ривожлантириш ва аҳолига сифатли дори воситаларини етказиб бериш тизимини мустаҳкамлашни мақсад қилмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Ўзбекистонда фавкулдда вазиятларда аҳолини эрта огоҳлантириш мақсадида 272 ТА МАСЖИДГА МАХСУС ТЕХНИК УСКУНАЛАР ўрнатилди.



Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга РУХСАТНОМАЛАРНИ АЙИРБОШЛАШ тартиби белгиланди.



2026 йил 1 апрелдан радар орқали аниқланган йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун ЖАРИМА БАЛЛАРИ ҲИСОБЛАНДИ.

8

Mahalla №26

2026 ЙИЛ
28 МАРТ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ОГОҲЛИК

Мамлакатимизда фуқароларнинг “Ҳаж” ва “Умра” амалларини хавфсиз ҳамда муносиб бажариши учун етарлича шарт-шароит яратилмоқда. Лекин айрим шахсларнинг тартиб-қоидаларни четлаб ўтган ҳолда, фуқароларни Саудия Арабистонига зиёратга юборишга уриниши ҳолатлари учраб турибди.

Муқаддас зиёратни хавфсиз ўтказинг!



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими.



Афсуски, салгина эътиборсизлик қилсангиз, муқаддас ва улуғ сафарни хавфсиз амалга ошириш бироз қийин кечади. Шу боис зиёратингиз кунгилдагидек бўлиши учун қуйидаги тавсияларга риоя этишингиз зарур.

“Умра”га расмий лицензияли фирмалар орқали бориш лозим. Ҳозирги кунда бундай ҳуқуққа эга бўлган 14 та сайёҳлик фирмаси ва уларнинг филиаллари ишлаб турибди.

Ўзини расмий фирма ишчисиман, деб таништирган ёки сохта лицензияларни кўрсатиб, сизни алдаши мумкин бўлган фирибгарлардан огоҳ бўлинг. Албатта, расмий “Умра” визасини олинг. Туристик визалар билан амалларни бажариш мумкин эмас. Сафарга чиқишдан аввал, бориш ва қайтиш авиачипталарини қўлга киритганингизга ишонч ҳосил қилинг. Авиачипта ёки унинг электрон шаклини зиёратга кетишдан камида 1 кун олдин расмий тарзда олгандан сўнг сафарга чиқинг.

Муқаддас зиёратни хавфсиз ва ишончли амалга ошириш учун юқорида айтилган тавсияларга риоя қилишингиз зарур!



Энг муҳими, зиёрат пакетини танлашда арзон нарх эмас, хизмат сифатига эътибор беринг! Одатда арзон нархли ноқонуний фирма ёки фирибгарлар таклиф этади. “Умра” сафарини қўшни давлатлардаги фирмалар ёки нотаниш ўртақашлар орқали эмас, балки Ўзбекистондаги расмий туристик компаниялар орқали қўлга киритинг!

ЭЪТИРОФ

Ҳалол меҳнат, албатта, қадрланади

Буни ўз тақдиримда кўриб, гувоҳ бўляпман. Бугун мендан бахтли, мендан омадли инсон йўқ. Чунки Президент фармонида мувофиқ, “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирландим.

Дониёрбек МАМАЖОНОВ,
Мингбулоқ туманидаги
“Бирлашган” маҳалласи
профилактика катта
инспектори,
“Содиқ хизматлари учун”
медали соҳиби.



Бундан жуда шодландим. Ахир одамнинг меҳнати қадр топса, давлат ва жамият эътироф этса, бундан унинг ўзи, оиласи, дўстлари, маҳалла-қўй, қолаверса, эл-юрт хурсанд бўлмайди? Эътироф ички ишлар ходими халқдан узоқда эмас, балки ҳар куни одамлар орасида, уларнинг тинчлиги посбони бўлиб хизмат қилаётганига ёрқин бир мисолдир.

Тизимда амалга оширилган ислохотлар, хусусан, “Хавфсиз маҳалла” тамойили бизга маҳалладаги вазиятни тўлиқ назорат қилиш имконини берапти. Энди жиноят содир этилгандан кейин эмас, унинг барвақт олдини олиш устида ишлаяпмиз. “Маҳаллабай” ишлаш тизими профилактика инспектори учун аҳоли билан яқин мулоқот ўрнатилган катта кўприк вазифасини бажаряпти.

Яна бир эътиборли жиҳат — “еттилик” ходимлари фаолиятининг йўлга қўйилгани бўлди. Маҳаллага тушиб, ишларни манзилли ташкил этиш — давлат идоралари фаолиятининг мезонига айланди. Маҳалла фаоллари бу ислохотларга қанот бўляпти. Энди ҳар кимнинг ўз вазифаси бор. Табиийки, уни бажарилиши бўйича аниқ баҳолаш мезони яратилди. Мисол учун, профилактика инспекторининг иши — маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айланиши билан боғлиқ. Бу борада яхши натижага эришганмиз. Айни пайтда “яшил” тоифадаги маҳалламиз. 2024 йилда “қизил” тоифада эдик.



Тинчлик ва осойишталикнинг бир қатор омиллари бор. Масалан, муаммоли оилалар охир-оқибат ҳудуд тинчлигига салбий таъсир этади. Шу боис 2025 йил давомида фуқаролар мурожаатини жойида ҳал этишга эътибор қаратдик. Жами 287 та мурожаат ижобий ечим топди. 5 та низоли оилалар билан тўғри ишлаганимиз сабабли оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг олди олинди. 5 нафар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери берилди.

Ҳўш, қисқа вақтда бу натижага қандай эришдик? Аввало, “еттилик”нинг бирдамлиги қўл келди. Ҳудуддаги 5 та савдо дўкони, овқатланиш шохобчаси, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, 10 та хонадон алоҳида кўриқлашга олинди, аҳоли гавжум ва савдо марказларига 4 та “SOS” — ташвиш чақирув тугмаси ўрнатилди. 57 та видеокузатув камераси маҳалла биноси ва “Қалқон” базасига интеграция қилинди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, одамлар давлатдан рози бўлиб яшашини учун янада куч-гайрат билан ишлашимиз керак. Бир зум ҳам лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

Фарзанд таъминотидан бўйин товлаб бўлмайди

Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, бахтли турмуш кечирини ният қилади. Аммо ҳаёт ҳаммаша бир текис кечмайди. Эр ва хотин сабр-тоқатли, аҳил-иноқ бўлмаса, арзимаган гап-сўзлар, ўткинчи келишмовчиликлар боис оилавий муносабатлар боши берк кўчага кириб қолиши мумкин.



Баҳодир ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Яккасарой тумани суди судьяси.



Тошкент шаҳрида яшовчи Равшан Мухсинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) яхши орзу-ният билан Шарофатга уйланган. Орадан йиллар ўтиб, улар ўғил ва қиз фарзандли бўлишди. Аммо бу оила ривжани мустаҳкамлаб олмади. Майда-чуйда гап-сўзлар охир-оқибат ажралишга олиб келди. Шарофат анча муддат фарзандларини ёлғиз ўзи тарбия қилди.



Суднинг қарорига асосан, Р. Мухсиновга вояга етмаган фарзандлари моддий таъминоти учун ҳар ойда ойлик ва бошқа даромадларининг ундан бир қисми миқдоринда алимент тўлаш мажбурияти юклатилган эди. Бироқ у алимент тўлашдан қасддан бўйин товлади.

Ўз навбатида, фарзандлари таъминотидан қасддан бўйин товлаш тегишли жавобгарликни келтириб чиқарди. Р.Мухсинов суднинг ҳукмига қўра, айбдор, деб топилди. Аниқроғи, фарзандлари таъминотида панжа орасидан қараган ота бир йилу бир ой муддат панжара ортида ўтирадиган бўлди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ
Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 830 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-320

